



НОКИМИ

ҲОКИМИ

Q A R O R

2010 yil "25" Октябрь

Samarqand tumani

1322- Q Sonli

Фуқаро Қодиров Алишерга Хитой технологиялари асосида иссиқхона қуриш учун 1,0 га ўрмон хўжалиги ерлари ҳисобидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ажратиш ҳақида.

Юқоридагиларни, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2010 йил 15 октябрдаги 138-сонли хулосаси, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси, Самарқанд вилоят Давлат экологик экспертизасининг 2010 йил 18 октябрдаги 1025-сонли хулосаси ҳамда Марказий ўрмон хўжалигининг 2009 йил 6 апрелдаги 2/2-сонли баённомасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 23-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2010 йил 15 октябрдаги 138-сонли хулосаси, марказий ўрмон хўжалигининг 2009 йил 6 апрелдаги 2/2-сонли қарори ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Қодиров Алишерга Хитой технологиялари асосида иссиқхона қуриш учун ўрмон хўжалиги ер харитасининг 8 ва 9-контурларидан жами 1,0 га (шундан: 1,0 га қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.
3. Иссиқхона қуришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик кодекси"нинг 8, 9 ва 54-моддаларига амал қилинган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб, Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси фуқаро Қодиров Алишерга топширилсин.
4. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2011 йил 1 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов) ва туман ер ресурслари ва Давлат кадастри бўлими (Ш.Бурхонов)га топширилсин.
5. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев



НОКИМИ

ҲОКИМИ

Q A R O R

2010 yil "29" ОКтябр

Samarqand tumani

1327 Q Sonli

“Фуқаро Раҳматиллаев Нусратга “Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиариқ” маҳалласи ҳудудида нонвойхона қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида”

“Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Бўзи” маҳалласида яшовчи фуқаро Раҳматиллаев Нусрат туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, “Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиариқ” маҳалласи ҳудудида нонвойхона қуришга рухсат беришни сўраган.

Юқоридагиларни, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат экологик экспертизасининг хулосаси ҳамда туман ер танлаш ҳайъатининг далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаёолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23- моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1.Фуқаро Раҳматиллаев Нусратга «Улуғбек» қишлоқ фуқаролар йиғини «Янгиариқ» маҳалласи бош режаси ҳудудидан нонвойхона қуриш учун 75 м.кв. қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин

2.Фуқаро Раҳматиллаев Нусратга нонвойхонани қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»нинг 8,39,54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблар топшириги (АРТ) , лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш экспертиза рўйхатидан ўтказиш юклатилсин.

3.Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Кодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев